



СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ: ҒОЯЛАР ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

*Андижон давлат педагогика институти
тадқиқотчиси
Сардор Нуралиев*

Doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15256064>

Аннотация: Ушбу тезисда сиёсий партия тушунчасига фалсафий нуқтаи назардан ёндашилган. Муаллиф партияни фақат сайловларда иштирок этувчи ташкилот эмас, балки жамият ва инсон ўртасидаги ғоявий кўприк сифатида талқин этади. Ҳар бир партиянинг ғояси муайян тарихий, ахлоқий ва маданий асосларга таянгани, улар фуқароларнинг орзу-умидлари ва ижтимоий позицияларини акс эттириши таъкидланади. Муаллиф партияларнинг маънавий юзи, сиёсий фаолликка бўлган таъсири, ва идеал ғоялар билан реал манфаатлар ўртасидаги мувозанат масаласини ўрганади. Тезисда партия фақат ҳокимиятга интилаётган субъект эмас, балки сиёсий тарбия мактаби сифатида кўрилган. Муаллиф хулосасига кўра, сиёсий партия – бу жамиятнинг фалсафий юраги ҳисобланади.

Калит сўзлар: сиёсий партия, фалсафий моҳият, ғоялар, мафкура, сиёсий субъект, ахлоқий танлов, фуқаролик жамияти, сиёсий маданият, сиёсий тарбия, идеал ва манфаат мувозанати

Сиёсий партия – бу фақат сайловда иштирок этиб, парламентда ўрин олишни мақсад қилган ташкилот эмас. У кўп ҳолларда жамиятнинг энг чуқур фикрлари, интилишлари ва орзуларини ўз ғоясида мужассам этган, келажак учун юксак мақсадларни кўзлаган ҳаракат сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ва жамият ҳаётига доир кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг ўрни катталиги таъкидлади. Бу жиҳатдан унга фалсафий нуқтаи назардан қараш – унинг ҳақиқий моҳиятини англашга хизмат қилади. Партияларнинг фаолияти ортида нималар турибди? Улар инсон ва жамият ҳақида қандай тасаввурга эга? Мана шу саволларга жавоб излаш – фалсафанинг ишидир.

Ҳар бир партия ўз ғоясига эга. Бу ғоя тасодифан пайдо бўлмайди – у муайян тарихий, маданий ва ахлоқий асосларга таянган бўлади. Айрим партиялар эркинлик ва шахсий ташаббусни юқори қиймат деб билади, бошқалар эса тенглик ва ижтимоий адолатни асос қилиб олади. Учунчи гуруҳ эса миллий кадриятлар, анъаналар ва диний асосларга суянади. Шу тариқа, партиялар жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг фалсафий ифодасини намоён этади. Мафкура – бу фақат шиорлар тўплами эмас. У инсоннинг ҳаётга, давлатга, эркинликка ва жавобгарликка муносабатидаги қарашлар мажмуасидир. Сиёсий партия эса шу мафкурани жамиятга етказувчи, уни омма онгига сингдирадиган субъектга айланади.

Сиёсий партия – бу инсон билан жамият ўртасидаги кўприк каби. Инсоннинг орзу-умидлари, талаб ва интилишлари партия фаолиятида ифодаланади. Шу билан бирга, жамият ўз ғоявий қиёфасини айнан партиялар фаолияти орқали шакллантиради. Масалан, партия инсонни эркин, фаол, мустақил фикрлайдиган мавжудот сифатида кўрадими ёки уни давлатга итоатли фуқаро деб тасаввур қиладими – бу муҳим фарқ.

Бу ерда сиёсий фалсафанинг энг чуқур нуқтаси намоён бўлади: инсон сиёсий субъектми ёки шунчаки ижтимоий объектми? Партиянинг ғояси ана шу масалага жавоб беради. Ва айнан шу жавоб унинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий позициясини белгилаб беради. Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида сиёсий партияларга нисбатан ишонч пасайгани кузатилмоқда. Бунга сабаблар кўп: ваъдада турмаслик, коррупцияга аралашиб, эл-юрт манфаатини эмас, гуруҳий ёки шахсий манфаатларни кўзлаш... Бу ҳолатларда сиёсий партия фақат ташкилот сифатида эмас, маънавий субъект сифатида ҳам таназзулга учрайди.

Инсон партияга овоз бериши учун унинг ғоясига ишониши керак. Ишонч эса ахлоқий туйғудир. Сиёсий партияларнинг фалсафий моҳияти шундаки – улар адолат, сўзда туриш,



ҳалоллик каби қадриятларга содиқ қолгандагина маънавий кучга айланади. Сиёсий партиялар фуқароларни фаоллаштиради. Уларнинг сиёсий саводхонлигини оширади, давлат бошқарувида иштирок этиш эҳтиёжини уйғотади. Партия – бу фақат ҳокимият сари йўл эмас, балки сиёсий тарбия мактаби ҳамдир. Ҳар бир фуқаро – бу фақат сайловчи эмас, балки ўз тақдири учун жавобгар инсон эканини тушуниши зарур. Партиялар шундай онгни шакллантирса, жамиятдаги сиёсий маданият ҳам юксалади.

Реал сиёсий ҳаётда партиялар доимий мувозанат излашади. Бир тарафдан – идеал ғоялар: адолат, тенглик, эркинлик. Иккинчи тарафдан эса – реал манфаатлар: сайловда ғалаба, ҳокимият, рейтинг... Бу мувозанатни сақлаш ҳар қандай партия учун осон иш эмас. Агар партия фақат манфаат сари юрса – у ўз ғоявий юзини йўқотади. Агар фақат ғоя ортидан юрса – реал сиёсий шароитлардан узилади. Шунинг учун ҳам партиянинг фалсафий моҳиятини англаш – унинг ҳар бир қадами ортидаги маънавий ва ахлоқий танловни тушуниш демакдир.

Сиёсий партия – бу ғоялар ва манфаатлар, инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги узвий боғланишни таъминловчи кўприқдир. Унинг фалсафий моҳияти айнан шу мураккаб алоқаларни тартибга солиш, одамларда маънавий устуворлик, ахлоқий масъулият ва сиёсий фаолликни уйғотиш билан боғлиқ. Партия – бу ғоялар оламидаги ҳаракат, у жонли, мураккаб ва зиддиятли, лекин айнан шу жиҳатлари билан у жамиятнинг фалсафий юраги саналади.